



FEATURES OF PREVENTING CORRUPTION

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10207727>

T.E. Masharipov

*Senior lecturer at the department of operative-investigative
law of the Academy of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan.*

E-mail: MasharipovTE1503@gmail.com.

ANNOTATION

The article analyzes and summarizes statistical data on crimes of state bodies and their main functions in the fight against corruption, as well as the organization of operational and preventive measures to combat corruption by the operational units of the internal affairs bodies.

Key words

corruption, government anti-corruption agencies, Directorate for Combating Corruption and Economic Crimes of the Main Criminal Investigation Directorate of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, operational search divisions, Office for Economic Crimes at the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, State Notary Office of the Ministry of Justice - search prevention, the main objectives of the fight against corruption.

КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Т.Э. Машарипов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,

Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси

катта ўқитувчиси.

E-mail: MasharipovTE1503@gmail.com.

АННОТАЦИЯ

Мақолада ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан коррупцияга қарши курашишда тезкор-қидирув профилактикани ташкил этилиши, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат органлари ва уларнинг асосий вазифалари, мазкур жиноятлар ҳақидаги статистик маълумотлар таҳлил қилинган ва асослаб берилган.

Таянч тушунчалар



коррупция, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат органлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув Бош бошқармасининг Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси, тезкор-қидирув бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти, Адлия вазирлиги Давлат нотариал идоралари, тезкор-қидирув профилактикани ташкил этилиши, коррупцияга қарши курашишда амалга ошириладиган асосий вазифалар.

ОСОБЕННОСТИ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ КОРРУПЦИИ

Т.Э. Машарипов

Старший преподаватель кафедры

оперативно-розыскного права

Академии МВД Республики Узбекистан.

E-mail: MasharipovTE1503@gmail.com.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются и обобщаются статистические данные о преступлениях государственных органов и их основных функциях в борьбе с коррупцией, а также организация оперативно-профилактических мероприятий по борьбе с коррупцией со стороны оперативных подразделений органов внутренних дел.

Ключевые слова

коррупция, государственные органы по борьбе с коррупцией, Управление по борьбе с коррупцией и экономическими преступлениями Главного управления уголовного розыска Министерства внутренних дел Республики Узбекистан, оперативно-розыскные подразделения, Управление по экономическим преступлениям при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, Государственная нотариальная контора Министерства юстиции, организация оперативно-розыскной профилактики, основные задачи борьбы с коррупцией.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва қонун устуворлигини таъминлаш жараёни тобора чуқурлашиб бораётган даврда мансабдор шахслар томонидан коррупцион жиноятлар, жумладан, порахўрлик, ўзгалар мулкани ўзлаштириш, талон-тарож ва бошқа уюшган жиноятларнинг содир этилиши

республикаамиз иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида туб ислохотларнинг муваффақиятли ўтказилишига жиддий путур етказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "...жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим"[1] деб таъкидлаб ўтиб, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни 2017 йилда қабул қилинди, мазкур қонуннинг 3-моддасида коррупция тушунчасига қуйидагича: "коррупция яъни, шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш демак" [2] деб ҳуқуқий изоҳ берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПК-34-сонли Қарори[3] қабул қилиниб, мазкур қарор асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий механизмларини такомиллаштириш, бу жараёнга жамоатчиликни жалб қилиш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлигига қўшимча бир қатор вазифалар юклатилган бўлиб бу вазифалар, қуйидагилар;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқликни таъминлашга оид материалларни тайёрлаш учун буюртмалар бериш;

нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини ҳамда бу борада ўтказиладиган тадқиқотларини ва ижтимоий сўровларини молиялаштириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш[4], белгилаб берилди.

Коррупция ҳар қандай мамлакатнинг миллий давлатчилик асослари, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигига жиддий хавф солади. Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва давлат органларига бўлган ишончини сусайтиради. Шу боис ҳам коррупцияга қарши курашиш ва уни мунтазам ва доимий асосда давом эттириш Ўзбекистонда амалга



оширилаётган суд-хуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шунга кўра Мамлакатимизда коррупциянинг барча шаклларига кўра аёвсиз кураш олиб бориш тизими жадаллик билан олиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

6 июль “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида” ги[5] фармони қабул қилинган.

Коррупциявий жиноятнинг моҳияти шундан иборатки, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир. Коррупция иллатига қарши курашиш учун Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида бир қанча ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлиб, буларга: ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-м); жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (171-м); бюджет ва смета-штат интизомини бузиш (1841-м); хусусий мулк ҳуқуқини бузиш (1921-м); Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш (1922-м); тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш (1923-м); тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш (1924-м); лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (1925-м); имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш (1926-м); хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш (1927-м); тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб варақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш (1928-м); тижоратда пора эвазига оғдириб олиш (1929-м); нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (19210-м); нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш (19211-м); ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-м); ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш (206-



м); ҳокимият ҳаракатсизлиги (208-м); мансаб сохтакорлиги (209-м); пора олиш (210-м); пора бериш (211-м); пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-м); давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (213-м); давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (214-м); адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (231-м); тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш (236-м); жиноий уюшма ташкил этиш (242-м); жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (243-м) каби жиноятлар ташкил этади.

Мазкур жиноятларга қарши курашиш билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти[6] ходимлари фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор қидирув департаменти, Жиноят қидирув хизмати[6] таркибида Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирги кунда мазкур бошқарманинг жойларда яъни, Тошкент шаҳар ИИББ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ, шаҳар-туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқарма, бўлимларида коррупцияга қарши курашувчи бўлинмалар (гуруҳлар) тузилган бўлиб, мазкур тезкор-қидирув бўлинмаларининг фаолияти асосан коррупцияга, иқтисодий ҳамда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга қарши курашишдан иборатдир.

Статистик маълумотлар таҳлиliga кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор қидирув департаменти, Жиноят қидирув хизматининг Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги тизимлари томонидан 2023 йилнинг ўтган 7 ойида даврида, ўтган 2022 йил 7 ойига нисбатан 14,9 фоизга кам коррупция жиноятлар аниқланган[7]. 2023 йилнинг

7 ойида республика миқёсида коррупцияга алоқадорликда гумон қилинган 72,1 фоиз мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш кўзғатилган. Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида 3,2 фоиз жиноятлар гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлар фош этилиб, жиноят содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортилган. Суд органларига 78,3 фоиз



мансабдор шахсга нисбатан 1,2 фоиз жиноят ишлари юборилган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 23 фоизга, кўзғатилган жиноий ишлар сони эса

22 фоизга камайган. Шунингдек, коррупция жиноятлари натижасида етказилган зарарнинг 77 фоизи ундириб олинган. Коррупцияга алоқадор бўлган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бу турдаги барча жиноятлар сони камайган. Жумладан, Жиноят кодексининг 207-моддаси мансабга совуққонлик билан қараш – 39 фоизга, 209-моддаси мансаб сохтакорлиги – 38 фоизга, 167-моддаси ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш – 37 фоизга, 205-моддаси ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш – 35 фоизга, 206-моддаси ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш – 31 фоизга, 210-212-моддалари пора олиш, бериш ва олиш-беришда воситачилик қилиш – 13 фоизга камайган[8]. Мазкур жиноятлар порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, валюта қондасини бузиш, қалбаки пул ясаш, талон-тарожлик ҳамда бошқа турдаги ҳолатлар билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодийжиноятларга қарши курашиш Департаменти ходимлари томонидан 2023 йилнинг 7 ойилигида таълим тизими билан боғлиқ коррупция, фирибгарлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби ҳолатлар юзасидан 15,3 фоиз жиноят иши кўзғатилган бўлиб, шундан – 7,6 фоиз умумтаълим мактабларида, 36,4 фоизи олий ўқув юртларида, 3,6 фоизи ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида содир этилган. Таҳлилларга кўра, таълим тизимидаги коррупция ҳолатлари, асосан, ўқув юртларида янги ўқув йили учун қабуллар бошланган даврга тўғри келган. Хусусан, 2023 йилнинг январь ойида 5,4 %, февраль ойида 10,4 %, март ойида 11,2 %, апрель ойида 10,1 %, май ойида 10,4 та ва июнь-июль ойларида эса 52,5 % ҳолат фoш этилган[9]. Шунингдек Адлия вазирлигининг статистик маълумотларига кўра хизмат фаолиятини тўғри ҳамда адолатли ташкил этмаганлиги боис республика бўйича жами нотариуслардан 11,8% нафарининг фаолияти “қоникарсиз” баҳоланган[9]. Лекин шунга қарамасдан ханузгача давлат нотариал идоранинг айрим нотариуслари томонидан аҳолига юридик хизмат кўрсатиш жараёнида яъни, фуқаролик ҳуқуқига оид турли (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента, ижара, лизинг, қарз, гаров, мерос, васиятнома, ипотека, ишончнома) шартномаларини расмийлаштиришда фуқаролардан, асосан баҳоналарни важ қилиб ёки очикчасига давлат харажатлари(давлат божи, герб йиғими, кўшимча тусдаги техник харажатлар)дан ташқари ортиқча пулларни ундириб олишлари, баъзида нотариус кассасидаги кассир



ходими томонидан пулни олганлиги ҳақида қвитанцияларни тақдим этмаслик ҳолатлари фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади[10]. Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда. Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган. Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларганисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишларига етарлича эътибор берилмаяпти. Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони қабул қилиниб, мазкур ҳужжатда коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун бир қатор вазифалар белгиланди. Буларга: 1) жамиятда қонунларга риоя этиш ва ҳурмат қилиш ғоясини фуқароларимиз онгига сингдириш; 2) аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш; 3) ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш; 4) давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий



маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантириш; 5) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш; 6) жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш; 7) ёшларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши мурасасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган иншолар танловини ўтказиш; 8) ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат раванқи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилиш; 9) оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш; 10) юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш; 11) жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш; 12) ҳар бир давлат органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш ойлиги ва ҳафталиги тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш лозим.

Дунё халқаро ташкилотларининг статистик маълумотлари таҳлиliga кўра 2020 йилда Ўзбекистонда коррупция рейтинги 146 поғонада эътироф этилаган. Бунинг энг асосий сабабларидан бири сифатида қонунчилигимизда Коррупцияга оид бўлган жинойтлар тушунчаси ва унинг учун аниқ жавобгарликни назарда тутувчи моддалар рўйхати шакллантирилмаганли ҳам кўрсатилади. Лекин яна бир бошқа жиҳати борки, Ўзбекистон охириги 7 йилда бу рейтингдаги балли 17 дан 26 балгача кўтарилди. Шунга кўра Мамлакатимизни айрим таҳлилчилар Сингапур давлатининг коррупцияга қарши курашиш тажрибасига ҳам ўхшатишмоқда. Жумладан, «Transparency International» коррупция билан курашиш бўйича халқаро нодавлат ташкилотининг 2022 йил яқунлари бўйича ҳисоботида Ўзбекистон 180 мамлакат ичида 126-ўринни, 2021 йилда эса 140-ўринни эгаллаганлиги ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган[11]. Лекин шунга қарамай коррупцияга қарши курашиш борасида ҳали қилиниши керак бўлган қуйидаги вазифалар олдимизда турибди:



- 1) коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш;
- 2) коррупциявий жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминлаш;
- 3) коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганлар учун аҳоли ичида сайёр суд мажлисларини кўпайтириш ва кўрғазмали суд мажлисларини уюштириш;
- 4) мансабдорлик лавозимларга тавсия этилаётган номзодларга нисбатан талабларни кучайтириш;
- 5) давлат хизматининг нуфузини, давлат хизматчиларининг маошини ва масъулиятини ошириш;
- 6) аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустақкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир чора-тадбирларнинг сифати ва миқдорини янада ошириш;
- 7) давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- 8) коррупциявий жиноятларнинг ўз вақтида олди олиншини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш;
- 9) давлат органларининг мансабдор шахслари устидан кенг жамоатчилик назоратини ўрнатиш;
- 10) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан қайта ислоҳ этиш;
- 11) мансаб лавозимларнинг сотилишининг олдини олиш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг шаффофлиги ва қонунийлигини таъминлашга эришиш;
- 12) олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг ҳаққоний бўлишига эришиш яъни, назоратни янада кучайтириш, кириш имтиҳонларини қабул қилиш кунларини яна узайтириш;
- 13) аҳолига сифатли юридик хизмат кўрсатиш мақсадида давлат нотариал идораларнинг сонини эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кўпайтириш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида асосан давлат нотариал идораларни банклар, автомобиль бозорлари яқинида ташкил этиш ёки мазкур юридик шахслар негизида нотариус юридик хизматини жорий этиш, шунингдек фуқаролик ҳуқуқига оид турли шартномаларнинг давлат божи ва кўшимча тўловлар миқдорини республика бўйича бир хилда бўлишини таъминлашга эришиш яъни, фуқаролар давлат божлари ва кўшимча тўловлар ҳақида аниқ



маълумотга эга бўлишлари учун ҳар бир нотариал ҳаракатларнинг давлат харажатлари тўғрисидаги маълумотлар жадвалини нотариал идоранинг кириш эшигига илиб қўйиш, бунинг учун давлат нотариал идораси нотариуслари хизмат фаолиятини жиддий назоратга олиш;

14) аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалишига эришиш ва хоказо. Шунингдек коррупцияга қарши курашишда тезкор-қидирув профилактикани ташкил этиш учун ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари ходимлари томонидан қуйидаги функциялар бажарилиши талаб этилади: биринчидан, коррупция билан боғлиқ бўлган жиноятларни келтириб чиқарувчи шароит ва сабабларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш; иккинчидан, мазкур жиноятлар хусусида аҳоли орасида тарғибот ишларини ўтказиш, жиноятларнинг профилактикасига жамоатчиликни кенг жалб этиш; учинчидан, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг юзага келиши, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш; тўртинчидан, коррупция билан боғлиқ жиноятларни тез ва тўла очилишини таъминлаш; бешинчидан, коррупция билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этиб тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлайётган жиноий гуруҳ аъзоларини қидириб топиш; олтинчидан, ИИВнинг соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда мазкур жиноятлар содир этилишини барвақт олдини олиш мақсадида алоҳининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун тарғибот ва тушунтириш ишларини тизимли равишда ташкил этиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, коррупцияга қарши курашишда юқорида таъкидлаб ўтилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шунингдек прокуратура органлари ҳамда давлат хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорлик самарали йўлга қўйилиши, фикримизча мазкур жиноятларга қарши курашишда ўзининг ижобий самарасини беради деб ўйлаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови// Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси: [www. uza.uz](http://www.uza.uz)



2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2023 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги ПҚ-34-сон “Ўзбекистон республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сон “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2023 й., 7-сон,

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика марказининг 2023 йил 7 ойлик маълумотномаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2022 йилдаги маълумотномаси.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодий жиноятларга қарши кураши Департаментининг 2022 йилги маълумотномаси.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлиявазирлигининг 2023 йил 6 ойлик маълумотномаси.

9. <https://kun.uz/news/2018/10/25/uzbekistonda-notariuslar-kanca-pul-islab-topisi-malum-buldi>

10. <https://uz24.uz/society/2018-yilda-gzbekiston-korruptsiya-reytingida-bir-pohona-pastladi>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги 5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон.

12. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари // Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.

13. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза–ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг



асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.

14. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фoш этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

15. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управленческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.

16. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 141-146.

17. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмий мақола //Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo>. – Т. 7262974.

18. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 160-165.

19. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //so'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 1. – С. 5-15.

20. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

21. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Ёўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истикболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

22. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

23. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.



24. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг хукукий жихатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.